


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

1. **Абдухалимов Б.** Формуляры записей о купле и продаже усадьбы из сборника (*мажма‘*) Абу Хафса ан-Насафи 3
2. **Муратов А.** Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос бўлган манбалар 14
3. **Улашова С.** Хоразмшоҳлар даври манбаларида Мовароуннаҳрдаги этник ҳолатга доир 22
4. **Замонов А.** Бухоро шайбонийлари ҳарбий тизими манбашунослигига доир баъзи мулоҳазалар 36
5. **Ғуломов С.** Ҳишмат ижоди спектри ва янги топилган “*Зиж*” хусусида 49

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

1. **Давлатова С.** Ҳунармандчиликда рамзлар: семантик-семиотик таҳлил *(Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида)* 62
2. **Ҳошимов Б.** Фарғона водийсидаги археологик тадқиқотлар тарихидан (1884–1964) 77
3. **Шамсиев М.** XIX аср биринчи ярмида Қўқон хонлиги ташқи савдо алоқаларида тошкентлик савдогарларнинг роли..... 92

ДИПЛОМАТИКА

1. **Таниева Г.** Эрназар Мақсуд ўғлининг ҳаж йўллари масаласига доир элчилик фаолияти (Россия империяси Ташқи сиёсат архиви ҳужжатлари асосида) 101

ИСЛОМШУНОСЛИК

1. **Махсудов Д.** XIII асрда мусулмон дунёсида тафсир илми ривожи ва муфассир олимлар фаолияти 111

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

1. **Исҳоқов М.** Қадимги Хоразм ёзуви ва ёзув маданияти ҳақида 124

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

1. **Умарова И.** Айюбнинг “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асарида келтирилган Жалолиддин Румий ҳаётига оид маълумотлар 140
2. **Худжанова Д.** Замахшарийнинг “ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” асарида аруз рукнларининг илмий-назарий талқини 154
3. **Шарахметова М.** “Бобурнома”нинг урдуча таржималарида Ҳиндистон таърифи 165
4. **Мадиримова С.** Мутриб Хонахароб ғазаллари 176
5. **Тўхтамуратов Ф.** Муҳсиний девони қўлёзма манбалари ва шеърларининг матн хусусиятлари 191
6. **Абдулаҳатов Н.** “Марсия” адабий-тарихий манбаларига оид айрим мулоҳазалар *(XIX–XX аср бошларида Марғилон маданий муҳити манбалари асосида)*..... 201

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Эшонова С., Қўлдошев Ш. Поп тумани Ғурумсарой қишлоғидаги қабртош хусусида 210

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2020 йил 4 мартдаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Азиза Шаназарова
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳабибуллаев Акрам
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

The conclusion states that the study in the established order of the origin feet by the classification given by Maḥmūd al-Zamakhsharī and each of their branches of feet will make it possible to accurately and easily determine the meter of bytes in the `arūḍ system.

Keywords: *Feet, metre, afail and tafail, verse, "al-Kistas", ziha:f, 'illa, makbud, mahzuf, matvy, ahram, abtar, ahrab, maktu, mankus.*

М. Шарахметова

"Бобурнома" нинг урдуча таржимасида Ҳиндистон таърифи
(Мирзо Носириддин Ҳайдар Кўрагоний таржимаси мисолида)

Улуғ ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) – ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндаси, нозиктаъб шоир, давлат арбоби, адолатли ҳукмдор, кучли саркарда, тарихда бобурийлар номи билан юритиладиган буюк сулола (1526–1857) асосчиси, таржимон ва етук олим бўлган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур бой илмий-адабий мерос қолдирди. Унинг "Бобурнома", "Девон", "Аруз рисоласи", "Мубаййин", "Волидия" каби асарлари, туркий тил қонуниятларига мослаб ижод қилинган алифбоси жаҳон адабиёти, маданияти ва илм-фанини тараққий эттиришга мислсиз улуш бўлиб қўшилган.

Бобур қолдирган илмий-адабий мерос ичида, шубҳасиз, энг буюги "Бобурнома" бўлиб, у мураккаб жанрда битилган. У ўзбек адабиётидаги дастлабки насрий-мемуар ва тарихий-адабий ёдгорликдир. Бобуршунос олим, профессор Ҳасан Қудратуллаевнинг ёзишича, "Бобурнома" моҳиятига кўра воқеий-илмий-саргузашт асар"дир [5: 86]. М.С. Махлуф хоним мазкур улуғ асар "Жаҳон маданияти тарихида ўлмас тарихий ва адабий қимматга эга асар сифатида муносиб ўрин эгаллашини" таъкидлаб, бундай деб ёзади: "Бобурнома" илм аҳли учун Ўрта Осиё ва Ҳиндистон минтақаларини тарихий, ижтимоий маданияти тараққиёти даражасини тадқиқ этиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга асардир" [4: 28–29].

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асарини жаҳонга машҳур қилган, бошқа халқларни ҳам баҳраманд этган нарса унинг таржималаридир. Бугунги кунда "Бобурнома" дунёнинг турли тилларига жумладан, рус, инглиз, немис, голланд, француз, испан, япон, форсий, турк, араб, ҳиндий ва бошқа тилларга таржима қилиниб, қайта-қайта нашр

этилмоқда. Охирги маълумотларга қараганда, “Бобурнома” ҳозиргача йигирмага яқин тилга таржима қилинган [2: 7].

Айни пайтда бу асарнинг инглиз, форс, урду каби тилларда бир нечтадан алоҳида-алоҳида таржималари мавжуд, хусусан, урду тилига тўрт марта таржима қилинган.

“Бобурнома”ни урду тилига аслият, яъни туркий тилидан биринчи марта темурийлар авлодига мансуб Мирзо Носириддин Ҳайдар Кўрагоний (XVIII) таржима қилган. Маълумотларга қараганда, мазкур таржима 1898 йилда амалга оширилган, бироқ уни муаллифнинг ҳаётлик чоғида нашр этишнинг имкони бўлмаган. 1926 йилда Кўрагонийнинг фарзандлари Деҳлида чоп эттирганлар. Қўлимиздаги мазкур таржима 1962 йилда Карачи шаҳрида “Бук-Ленд” нашриётида қайта чоп этилган [6]. Сарварақда китобнинг номи “Бобурнома”, унинг тагида эса “Тузуки Бобурий” деб келтирилган. Китоб жами 426 саҳифадан иборат. Убайдулла Қуддусий (XX) изоҳларни таҳрир қилган, тўлдирган ва сўзбоши ёзган.

“Бобурнома”нинг урду тилига иккинчи таржимасини Муҳаммад Қосим Сиддиқи амалга оширган. Бу таржима 1983 йилда Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳридаги “Taraqqi Urdu Bureau” нашриётида чоп этилган [7]. Сарварақда китобнинг номи “Бобурнома”, унинг тагида эса “Тузуки Бобурий” деб келтирилган, китоб жами 66 саҳифадан иборат. Бу қисқа таржима ҳисобланиб, унда изоҳ ва шарҳлар келтирилмаган. Сўзбоши муаллифи профессор Фаҳмида Бегум (XXI).

Учинчи таржимани Рашид Ахтар Надавий (1918–1992) амалга оширди. Бу таржима 1991 йил Лаҳўр (Покистон) шаҳридаги “Санге мил” нашриётида чоп этилган [8]. “Бобурнома”нинг ушбу нашри “Тузуки Бобурий» деб номланган, жами 287 бетдан иборат. Китобда таржимон томонидан ёзилган тўрт бетлик сўзбоши ва олти бетлик мундарижа берилган. Асар Мумбай шаҳрида Мирзо Муҳаммад Шерозийнинг “Читра Прабҳа Пресс” нашриётида чоп этилган форсча нашридан таржима қилинган. Бу форсча қўлёзма Удайпур рожасининг кутубхонасидан топилган. Қўлёзма 246 саҳифадан иборат, тўлиқ эмас кўчирилган йили ҳақида ҳам ҳеч қандай маълумот келтирилмаган.

Мемуар асарнинг тўртинчи таржимасини форсийдан ҳиндистонлик профессор Юнус Жаъфарий амалга оширди. Китоб “Vaqayi Babur” деб номланган бўлиб, жами 396 саҳифадан иборат. Изоҳ ва шарҳлар муаллифи Ҳасан Бег. Мазкур таржима 2007 йили Англияда чоп этилди [9]. Нашр сўнгида бир қатор иловалар, фойдаланилган манбалар, кўрсаткичлар келтирилган. Иловаларда “Бобур” исмининг имлоси, муаллиф-

шарҳловчининг Бобур изидан Ўзбекистон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон бўйлаб қилган сафарлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Қуйида "Бобурнома"нинг аслият матни ва Мирзо Носириддин Ҳайдар Кўрагоний таржимаси асосида Ҳиндистон таърифи ҳамда шу юртга хос ҳайвонот ва наботот олами тасвири матний-қиёсий таҳлил қилинади.

Ҳиндистон таърифи

1526 йилда буюк Бобур асос солган сулола 332 йил давом этди ва Ҳиндистон маданияти, адабиёти, санъати, меъморчилиги, қисқаси, Ҳиндистон ҳаётининг барча жабҳаларида ўчмас из қолдирди [2: 5]. Заҳириддин Бобур Ҳиндистон вилоятларига илк қадам босганида Мовароуннаҳрдан мутлақо ўзгача ранг-баранг оламни: тоғлари, минтақа ерларининг рельефи, дарё, ўрмон ва сахроларининг турли-туманлигини, ҳайратланарли даражадаги табиат, тоғу тош, ҳайвонот ва наботот оламига дуч келганлигини шундай баён этади:

Аслиятда: "*Ҳиндустон мамолики васеъ ва пурмардум ва пурҳосил вилоят воқеъ бўлубтур. Шарқи ва жануби, балки ғарби ҳам Муҳит дарёсиға мунтаҳий бўлур. Шимоли бир тоғдурким, Ҳиндукуш ва Кофиристон ва Кашмир тоғлари била пайвасттур. Ғарби-шимоли Кобул ва Ғазни ва Қандаҳор воқеъ бўлубтур. Жамиъ Ҳиндустон вилоятининг пойтахти Деҳли эрмиш. Ҳиндистон аввалғи иқлимдин ва иккинчи иқлимдин ва учинчи иқлимдиндур. Тўртинчи иқлимдин Ҳиндустонда йўқтур.*

Ғариб мамлакате воқеъ бўлубтур. Бизнинг вилоятларға боқа ўзга оламедур. Тоғ ва дарёси ва жангал ва саҳроси, мавозиъ ва вилоёти ва ҳайвонот ва набототи, эли ва тили ва ёмғури ва ели борча ўзгача воқеъ бўлубтур" [1: 197].

Кўрагоний таржимаси:

ہندوستان وسیع بہت آباد اور سیر حاصل ملک ہے ۔ اس کے مشرق و جنوب بلکہ کسی قدر مغرب میں بھی دریا ئے سمندر ہے ۔ شمال میں ایک پہاڑ ہے کوہ ہندوکش کافرستان اور کوہستان کشمیر سے ملا ہوا ہے ۔ اس کے مغرب و شمال میں کابل ، غزنی اور قند ھار ہے ۔ ہندوستان کا دارا لملک آج تک " دہلی" ہے ۔ ہندوستان اقلیم اول دوم اور سوم میں ہے۔ اقلیم چارم میں اس کی کوئی جگہ واقع نہیں ہے ۔ یہ ایک اجنبی ملک ہے ۔ ہمارے ولایت سے دوسری دنیا ہے ۔ پہاڑ ۔دریا ۔جنگل ۔نباتات ۔آدمی ۔ زبان ۔ ہوا اور مینہ سب ا ور ہے۔ [6: 320]

Бобур Ҳиндистон таърифини келтираётиб, аслиятда шундай ёзади: *"Ҳиндустон мамолики васеъ ва пурмардум ва пурҳосил вилоят воқеъ бўлубтур"*. Муаллиф биргина жумла орқали мамлакатнинг географик ўрни, юртнинг бепоён, аҳолиси кўп ва серҳосил ўлка эканини лўнда, ихчам ибораларда тасвирлайди. Ушбу жумланинг урдуча талқини қуйидагича: ہندوستان وسیع بہت آباد اور سیر حاصل ملک ہے۔ (Hindusta:n vasi:, bahot a:ba:d aor

serha:sil mulk he). Ушбу жумла таржимасида мутаржим Ҳиндистонга берилган сифатларнинг урдуда айнан муқобилларини танлаган ва натижада ушбу гапнинг таржимаси аниқ ва тўғри амалга оширган.

Кейинги жумлалар аслиятда қуйидагича келтирилади: "*Шимоли бир тоғдурким, Ҳиндукуш ва Кофиристон ва Кашмир тоғлари била пайвасттур. Ғарби-шимоли Кобул ва Ғазни ва Қандаҳор воқиъ бўлубтур*" Муаллиф мазкур жумлаларда шимол томондаги тоғлар айнан қайси тоғлар билан туташ эканлиги, шунингдек, ғарби-шимолида қайси шаҳарлар жойлашганини қайд этади. Юқоридаги жумлалар урдуга қуйидагича ўгирилган*:* شمال میں ایک پہاڑ ہے کوہ ہندوکش کافرستان اور کوہستان کشمیر سے ملا ہوا ہے - اس کے مغرب و شمال میں کابل ، غزنی اور قند ھار ہے۔ [*Shima:l meN ek paha:R he kohe Hindu:kush Ka:firista:n aor Kashmi:r se mila: hua: he. Us ke mag`rib-o-shimal meN Ka:bul, G`azni: aor Qandaha:r he.*] Мутаржим муаллиф услубига путур етказмаган ҳолда таржимани тўғри амалга оширган, тоғлар ва шаҳарлар номи урду тилида аниқ берилган.

Кейинги жумлани қиёсласак: "*Ғариб мамлакате воқиъ бўлубтур. Бизнинг вилоятларға боқа ўзга оламедур.*" یہ ایک اجنبی ملک ہے ۔ ہماری ولایت سے دوسری دنیا ہے ۔ *[Ye ek ajnabi: mulk he. Hamari: vila:ya:t se du:sri: duniya: he]* жумласида *"ғариб"* сўзи, яъни "ғаройиб", "ажойиб" урдуча اجنبی[ajnabi:] "ажнабий", "бегона" деб ўгирилганки, буни тўғри деб бўлмайди. Иккинчи жумлада Бобур Ҳиндистонни ўз юрти билан солиштириб, у ҳар жиҳатдан фарқ қилишини, бутунлай бошқа дунё эканини таъкидлайди, чунончи таржимада "бизнинг ерлар билан солиштирганда" ибораси тушиб қолиб, аслида у ہماری زمین کی بنسبت [hama:ri: zami:n ki: bani:sbat] деб берилиши керак эди.

Аслиятда: "*Шимолидаги тоғким, мазкур бўлди, Синд дарёсидин ўтгач, бу тоғда Кашмир тавобиш вилоятлардур. Агарчи бу тарихда бу тоғдаги вилоятлар, мисли, Паклий ва Шаҳманг аксари Кашмирга итоат қилмас, вале бурун Кашмир дохили экандур. Кашмирдин ўтгач, бу тоғда бениҳоят эл ва улус ва паргана ва вилоятлардур. Бангала ва балки Муҳит ёқасиғача бу тоғда пайваст халойиқдур*" [1: 197].

Кўрагоний таржимаси:

شمال کی طرف دریاے سندھ کے پار ہوتے ہی سارے پہاڑ یں آبادی ہے اور وہ ملک کشمیر کے علاقہ میں گنا جاتا ہے جیسے یگلی اور شہمنگ وغیرہ کے ملا ہے ۔ان علاقوں میں سے اس زمانے میں بہت سے علاقے گو کشمیر کے تعلّق سے نکل گئے ہیں لکین پہلے دہل کشمیری تھے ۔ کشمیر سے بنگولہ تک اس پہاڑ میں بڑا وسیع ملک ہے ۔گاؤں کے گاؤں آباد ہے۔اور بے شمار قومیں ہیں یہ پہاڑ سمندر کے کنارہ پر ختم ہوتا ہے ۔[6: 320]

Кўрагонийда кейинги жумла таржимасида *саҳро, мавозеъ, вилояти* сўзлари тушиб қолдирилган. *"Шимолдаги тоғким мазкур бўлди"* жумласи

ўзгариб, “Шимол томондаги Синд дарёси” бўлиб қолган. Аслиятда келтирилган “*агарчи бу тарихда бу тоғдаги вилоятлар, мисли, Паклий ва Шаҳманг аксари Кашмирга итоат қилмас, вале бурун Кашмир дохили экандур* ўн иккинчи гапда “*бу тарихда*”, яъни “ҳозирги кунда” ибораси тушиб қолган. Жой номлари алмашиб кетган: “*Пакли*” پگلی [Pagli:] бўлиб кетган.

“Фил” таърифи

Аслиятда: “*Ҳайвонотким, Ҳиндустон махсусидур, вуҳушдин бир филдурким, Ҳиндистоний «ҳаатий» дерким, Калпий вилоятининг сарҳадларида бўлур . Андин юққори шарқ сари боқа борғон сари саҳройи фил кўпрак бўлур. Ул орадин фил тутиб келтурурлар. Курара ва Маникпурдин ўттуз-қирқ мавзиънинг иши фил тутмоқдур. Девонға фил-ўқ жавоб берурлар. Фил азимул-жусса ва зийрак жонивордур. Ҳар не десалар билур ва ҳар не буюрсалар қилур. Баҳоси улуқлуғига ярашадур, қарилаб сотарлар. Ҳар неча улуқроқ – баҳоси кўпрак. Андоқ ривоят қилдиларким, баъзи жазойирда ўн қари фил бўлур эрмиш*” [1: 198].

Кўрагоний таржимаси: ہندوسان کے مخصوص چرند جانوروں میں سے ایک ہاتھی ہے ۔ہاتھی کالپی کی سرحد کے قریب ہوتا ہے ۔جتنا مشرق کی جانب اوپر کو چلتے جاؤ اتنا ہی ملنا جاےگا ۔ اسی جنگل میں سے ہاتھی پکڑے جاتے ہیں ۔ آگرہ اور ناگپور کے علاقے کے تیس چالیس گاؤں والوں کا یہیں کام ہے ۔ اگرچہ ہاتھی بڑے جسم کا جانور ہے مگر ایسا سدھ جاتا ہے جو کہو وہ کرتا ہے ۔ ہاتھی کی قیمت اس کے چھوٹے بڑے ہونے پر مقرّر ہے۔جتنا بڑا ہوگا اتنی قیمت زیادہ ہوگی ۔یہاں تو چار گزر سے زیادہ اونچا دیکھنے میں نہیں آیا ۔کہتے ہیں کہ جزیروں میں بھی ہاتھی ہوتا ہے اور بڑے قد کا ہوتا ہے [6:325].

Кўрагонийда *“Ҳайвонотким, Ҳиндустон махсусидур, вуҳушдин бир филдурким, Ҳиндистоний “ҳаатий” дерким”*, деган жумланинг таржимаси қуйидагича берилиб, ہندوستان کے مخصوص چرند جانوروں میں سے ایک ہاتھی ہے *“Ҳиндистонга хос, ўтхўр жониворлардан бири филдир”* деб таржима қилинади. Аслиятдаги *Ҳиндустоний “ҳаатий” дерким* жумласи ҳамда кейинги гапдаги “*саҳройи фил”* ибораси урду тилида тушириб қолдирилган. Бу ерда шуни айтиш жоизки, муаллиф ҳиндлар филни қандай аташини зикр этган, айнан шу бирикма таржимада тушиб қолдирилган, яъни муаллиф услуби ўқувчига тўлиқ етказилмаган дейиш мумкин. “*Ул орадин фил тутиб келтурурлар”* жумласи “*Ўрмонлардан фил тутиб келтирадилар*” اس جنگل میں سے ہاتھی پکڑے جاتے ہیں тарзида ўгирилган. “Ўрмон” جنگل [jangal] сўзини таржимон қўшган ва бундан аслиятдаги маъно ўзгармаган. *Курара*нинг (жой номи) ўрнига آگرہ اور منکپور کے علاقے کے تیس چالیس گاؤں [Agra] бўлиб кетган Аслиятдаги *Курара ва Маникпурдин ўттуз-қирқ мавзеънинг иши фил тутмоқдур* деган гап таржимада *“Агра ва Маникпур*

вилоятининг ўттуз-қирқ қишлоқ яшовчиларининг бу ердаги иши ҳисобланади” дейилган. “*Ҳар не десалар билур ва ҳар не буюрсалар қилур”* жумласи кейинги гапга қўшиб таржима қилинган: “*Гарчи фил баҳайбат жонивор бўлса ҳам, лекин нима десалар билади*”. Шу гапнинг давомидаги “*зийрак”* сўзи тушириб қолдирилган.

Аслиятда: “*Филнинг емак ва ичмаги тамом хартуми биладур, хартуми бўлмаса тирилмас. Хартумининг икки ёнида юққориғи энгагида икки улуқ тиши бор, томға ва йиғочқа ушбу тишларини қўюб, зўрлаб йиқитур. Урушмоқ ва ҳар зўр ишларким бўлса, ушбу тишлар била қилур. Ож бу тишларни дерлар. Бу тишларнинг ҳинд элининг қошида хейли қадри бор. Филнинг туки йўқтур. Ҳиндустон элининг қошида филнинг бисёр эътибори бор*” [1: 198]

Кўрагоний таржимаси: باقی سونڈ کے ذریعے سے کھاتا پیتا ہے ۔اس کے منہ میں اوپر کے جانب دو بڑے دانت باہر نکلے ہوئے ہوتے ہیں ۔ان دانتوں سے وہ دیواروں اور درختوں کو زور کر کے گرا دیتا ہے ۔ان ہی دانتوں سے حرب اور صرب کا کام لیتا ہے ۔ ہاتھی دانت بھی ان سے ہی مراد ہے ۔ ہندوستانی ان دانتوں کی بہت قدر کرتے ہیں ۔اور جانوروں کی طرح ہاتھی کے جسم پر بال اور پشم نہیں ہوتی۔ ہندوستانی کے نزدیک ہاتھی ۔ بڑی عزت کی چیز ہے [6: 325].

Аслиятда келтирилган ушбу гапнинг таржимаси Кўрагонийда қуйидагича таржима қилинган: *Филнинг емак ва ичмаги тамом хартуми биладур, хартуми бўлмаса тирилмас*. - باقی سونڈ کے ذریعے سے کھاتا پیتا ہے, яъни “хартуми ёрдамида еб-ичади” шу гапнинг давомидаги “*хартуми бўлмаса тирилмас”* жумласи тушиб қолдирилган, натижада аслиятдаги маъно ўқувчига тўлиқ етказилмаган. *“Ож бу тишларни дерлар”* жумласи ҳам таржимада тушиб қолдирилган. Аслиятдаги кейинги жумла қуйидагича: *Филнинг туки йўқтур* -جسم پر بال اور پشم نہیں ہوتی “Танасида сочи ва туки бўлмайди” тарзида ўгирилган. Таржимадан кўриниб турибдики, мазкур гапдаپشم [pashm] “тук” сўзи орттирилган. Фикримизча, маънога у қадар путур етмаган. Охирги жумла таржимаси аслиятга мос келади.

Бобур ниҳоятда синчков шахс бўлган. У Ҳиндистонда ўзи кўрган жамики ўсимликлар, мевалар ва гулларни табиатшуносга хос назар билан бирма-бир батафсил баён қилади. 1528–1529 йилларда Бобур бу ўлканингҳайвонот ва наботот дунёси бобидаги кузатишларини қоғозга туширади. У гуллардан *жасун, самбитгул, киюра, канир, оқ ёсуманни* мевалардан эса *анба (*манго*), банан, норанж (*апельсин*), лиму (*лимон*)* кабиларни зикр этган. Қуйида “канир” гули тасвири аслият ва урдуча таржима билан қиёсий таҳлил қилинади.

“Канир” гули

Аслиятда: “*Яна бир канейрдур, оқ ҳам бўладур, қизил ҳам бўладур. Шафтолу гули вазълиқ панжбарга бўладур. Қизил канейрнинг шафтолу гулига шабоҳати бор. Вале канейр гули ўн тўрт-ўн беш гул бир ерда очиладур, йироқтин бир улуқ гулдек кўрунадур. Мунинг бутаси гулбундин улуғроқтур. Қизил канейрнинг тавреғина иди бор, хушояндадур. Бу ҳам пашакаалда кўп ва хўб очиладур. Бу ҳам аксар йил топилур*” [1:206].

Кўрагоний таржимаси: ایک کنیر ہے ۔ یہ سفید رنگ کا بھی ہوتا ہے سرخ رنگ کا بھی ۔اس کی جڑا اور پتے شفتالو جیسے سرخ پھول تو ہو بہو شفتالو کا پھول ہے ۔مگر کنیر کے پھول اکھٹے چودہ پندرہ ایک جگہ اس طرح کھلتے ہیں کہ دور سے ایک بڑا پھول معلوم ہوتا ہے ۔ اس کے درخت کا پھیر گلبن کے درخت کے پھیر سے زیادہ ہے ۔سرخ پھول میں بھینی بھینی بو ہوتی ہے۔ یہبھی برسات کے موسم میں تین چار مہینے تک برابر ۔ کھلتا ہے اور اکثر سال بھر رہتا ہے [6: 329]

Кўрагонийда биринчи гапнинг таржимаси: “*Яна бир канейрдур, оқ ҳам бўладур, қизил ҳам бўладур шафтолу гули вазълиқ панжбарга бўладур*”. ایک کنیر ہے ۔ یہ سفید رنگ کا بھی ہوتا ہے سرخ رنگ کا بھی ۔ *“Оқ рангда ҳам, қизил рангда ҳам бўлади. Қизил канейрнинг гули шафтоли гулига ўхшайди”*. Аслиятдаги *“панжбарга бўладур”* ибораси тушиб қолган. Натижада маънога путур етган.

Аслиятдаги иккинчи гап қуйидагича: “*Қизил канейрнинг шафтолу гулига шабоҳати бор. Вале канейр гули ўн тўрт-ўн беш гул бир ерда очиладур, йироқтин бир улуқ гулдек кўрунадур*” اس کی جڑا اور پتے شفتالو جیسے سرخ پھول تو ہو بہو شفتالو کا پھول ہے مگر کنیر کے پھول اکھٹے چودہ پندرہ ایک جگہ اس طرح کھلتے ہیں کہ دور سے ایک بڑا پھول معلوم ہوتا ہے ۔ اس کے درخت کا پھیر گلبن کے درخت کے پھیر سے زیادہ ہے ۔ яъни *“қизил канейрнинг гули шафтоли гулига ўхшайди, лекин канейрнинг гули ўн тўртта-ўн бештадан бир жойда очилади, узоқдан бир катта гулга ўхшайди. Унинг дарахти атиргул шохидан каттароқ”*. Бу гапдаги “*бута”* сўзи урдучада درخت [darakht] дарахт деб ўгирилганки, буни тўғри деб бўлмайди, ваҳоланки ўзбек тилидаги “бута*”*сўзига урдуда ҳамبوٹا [buTa] сўзи мавжуд.

Бешинчи, яъни “*Қизил канейрнинг тавреғина иди бор, хушояндадур”*жумланинг табдили қуйидагича: *“Қизил канейрнинг яхшигина ҳиди бор, бу гул ёқимли*”. Мазкур жумлани таржимон тушириб қолдирган.

Аслиятдаги охирги жумла “*Бу ҳам Пашакаалда кўп ва хўб очиладур. Бу ҳам аксар йил топилур,* яъни *“бу ҳам ёмғир мавсумида уч-тўрт ойгача гуллайди*”. Бобурнинг таъкидлашича, ёмғир мавсумида кўп ва жуда чиройли гуллайди. Мазкур гапдаги “*хўб*” сўзи тушиб қолдирилган ва аслиятда мавжуд бўлмаган تین چار [ti:n cha:r] “уч-тўрт” ибора таржимон томонидан

қўшилган, натижада, ушбу ўринда муаллифнинг муддаоси ва услуби китобхонга тўлиқ етказилмаган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, “Бобурнома”да Мирзо Бобурнинг мамлакат ва шаҳарларга, жумладан, Ҳиндистонга берган таърифини аслият ва урдуча таржима билан солиштириш натижасида Ҳиндистоннинг географик ўрни, иқлими, об-ҳавоси, пейзаж чизгилари акс этган ўринларда муаллиф услуби сақланган, таржималар асосан тўғри амалга оширилган. Лекин имловий-услубий хатоларга ҳам йўл қўйилган. Хусусан, аслиятдаги маънони таржимада ўзгариб кетиши, айрим сўзларнинг тушиб қолдирилиши, шунингдек, жой номларининг ёзилишида имловий хатоларни учратиш мумкин. Ҳайвонот ва наботот олами тасвири таржималари ҳам айни шу ҳолат кузатилади. Ҳиндистонга хос бўлган жониворлардан *фил* тасвирида айрим ўринларда жой номларининг ўзгариб кетиши, (*Агра-Курара* каби), аслиятда келтирилган баъзи сўзлар ёки жумлаларнинг тушиб қолиши, баъзи ҳолларда муаллиф услубига путур етмаган ҳолда таржимон томонидан айрим сўзларнинг орттирилиш ҳолати ҳам мавжуд. Наботот оламидан Ҳиндистонда ўсадиган гуллардан “канир ”гули тасвирининг урдуча талқинида асосан муаллиф услуби сақлаб қолган, бироқ бунда ҳам айрим услубий хатолар (*бута-дарахт* деб ўгирилиши), баъзи сўзларнинг тушиб қолдириши каби ҳолатлар учрайди.

Кузатишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, Мирзо Носириддин Ҳайдар Кўрагоний таржимаси бир неча жиҳати билан аҳамиятлидир. Биринчидан, Кўрагонийнинг аслиятдан, яъни туркий-чиғатойдан ўгирганлиги; иккинчидан, урду тилидаги биринчи тўлиқ таржима эканлиги; учинчидан, таржимада муаллиф услубининг сақланганлиги. Айрим хато-камчиликларга қарамай, “Бобурнома”нинг урдуча таржималари урду тилида сўзлашувчи халқлар орасида ўзбек мумтоз адабиётининг нодир намунаси бўлмиш асарни оммалаштиришда, бошқа халқ вакилларининг ҳам баҳраманд бўлишига имконият яратганилиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов. Тошкент, 2002.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси / Бобур номидаги халқаро жамоат фонди, Азизхон Қаюмов раҳбарлигида тузилган. Тошкент, 2014.
3. Иброҳимов А. Бобурнома – буюк асар. Тошкент, 2000.

4. Махлуф М.С. “Бобурнома”нинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни. // Бобур ва бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни / Нашрга тайёрловчилар: С. Ҳасанов, О. Алимов, Ғ.Сотимов, А.Иброҳимов. Халқаро илмий анжуман материаллари. Тошкент, 2008. Б. 28-29
5. Қудратуллаев Ҳ. Бобур армони. Тошкент, 2005.
6. تزک بابری ، مرزا نصیر الدین حیدر کراچی،۱۹٦۲
7. بابرنامہ (تزک بابری)محمد قاسم صدیقی ،ترقی اردو بیورو،نئی دہلی۱۹۸۳
8. تزک بابری ،رشید اختر ندوی لاہور ۱۹۹۳
9. وقا ئع بابر ،یونس جعفری شہر بانو پبلی شیرز کر یکادی۲۰۰۷

М. Шарахметова

“Бобурнома”нинг урдуча таржимаси ва унинг матний қиёсий таҳлили
(Ҳиндистон таърифи мисолида)

Маълумки, улуғ ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) адабий мероси, шоҳ асари “Бобурнома” дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Жумладан, урду тилига ҳам тўртта таржимаси мавжуд. Биринчи таржимани туркий-чиғатой тилидан Мирзо Носириддин Ҳайдар Кўрагоний (XVIII) амалга оширган бўлиб, 1898, 1926 йилларда Деҳлида, 1962 йили Карачида “Бобурнома” номи билан чоп этилган, жами 426 саҳифадан иборат. “Бобурнома”нинг урду тилига иккинчи таржимасини Муҳаммад Қосим Сиддиқий (XX) бажарган ва у 1983 йилда Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида чоп этилган. Сарвароқда китобнинг номи “Бобурнома”, унинг тагида эса “Тузуки Бобурий” деб келтирилган, жами 66 саҳифадан иборат. Учинчи таржимани форс тилидан Рашид Ахтар Надавий (1918–1992) амалга оширган, 1991 йил Лаҳор (Покистон) шаҳрида чоп этилган ва у қисқа таржима ҳисобланади. Мазкур нашр “*Тузуке Бобурий*” деб номланиб, жами 287 бетдан иборат. Тўртинчи таржимани ҳиндистонлик профессор Юнус Жаъфарий (1930–2016) амалга оширган. Ушбу таржима Абдураҳим Хонихононнинг форсча таржимаси асосида бажарилиб, 2007 йил Англияда чоп этилди. Китоб “Vaqayi Babur” деб номланган бўлиб, жами 396 саҳифадан иборат. Сўзбоши ва шарҳларни Хасан Бег ёзган.

“Бобурнома”да мамлакатшунослик бўйича жуда қимматли маълумотлар келтирилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу асарида Мовароуннаҳр, Афғонистон, Ҳиндистон каби мамлакат ҳамда ундаги кўплаб шаҳарлар таърифини батафсил ёритган. Хусусан, Ҳиндистон

таърифида ушбу мамлакатнинг географик ўрни, уни ўраб турган вилоят, тоғлар номи, об-ҳавоси, шунингдек, шу юртга хос бўлган ҳайвонот ва наботот олами мукаммал тасвирланган.

***Калит сўзлар**: "Бобурнома", урдуча таржималар, сарварақ, аслият, изоҳ, сўзбоши, қўлёзма, таъриф, тасвир, қиёсий таҳлил.*

М. Шарахметова

Описание Индии в произведении «Бабур-наме» в переводе на урду
(*на примере перевода Мирзы Насиратдина Хейдара Курагани***)**

Известно, что литературное наследие нашего великого соотечественника Захираддина Мухаммада Бабура (1483–1530) шедевр «Бабур-наме» был переведен на многие языки. Есть также четыре перевода на урду. Первый перевод с тюрко-чигатайского языка был сделан Мирза Насираддином Хайдаром Курагани и был опубликован в Дели в 1898, 1926 годах и в Карачи в 1962 году под названием «Бабур-наме», который состоит из 426 страниц. Второй перевод «Бабур-наме» на урду был сделан Мухаммадом Касымом Сиддики и опубликован в 1983 году в Дели, Индия, всего 66 страниц. На титульном листе название книги дано как «Бабур-наме», а внизу – «Тузуки Бабури». Третий перевод с персидского был сделан Рашидом Ахтаром Надави (1918–1992), опубликованным в 1991 году в Лахоре (Пакистан), который является кратким переводом. Это издание называется «Тузуки Бабури» и состоит из 287 страниц. Четвёртый перевод сделал профессор Юнус Джафари (1930-2016) из Индии. Этот перевод был основан на персидском переводе Абдаррахима Хани Ханана и был опубликован в Англии в 2007 году. Книга называется «Вакайи Бабур» и состоит из 396 страниц. Предисловие и комментарии были написаны Хасан Бегом.

«Бабур-наме» содержит очень ценную информацию о краеведении. В своём труде Захираддин Мухаммад Бабур подробно описал страну и многие города в Мавераууннахре, Афганистане и Индии. В частности, в описание Индии прекрасно описывает географическое положение, окружающие регионы, название гор, климат, а также фауну и флору этой страны.

Ключевые *слова:* *«Бабур-наме», переводы на урду, титульный лист, текст оригинал, комментарий, предисловие, рукопись, определение, описание, сравнительный анализ.*

M. Sharakhmetova

The Urdu translation of "Baburnama" and its textual analysis
(o*n the example of the translation of Mirza Nasir al-din Haydar Kuragani)*

It is known that the literary heritage of Zahiriddin Muhammad Babur (1483–1530), his masterpiece "Baburnama" has been translated into many languages. Among them there are four translations of this work into Urdu. The first translation of "Babunama" from Chaghatay-Turkic into Urdu was made by Mirza Nasir al-din Haydar Kuragani which was published in Delhi in 1898, 1926, and in Karachi in 1962. It contains 426 pages. The second Urdu translation of "Baburnama" was made by Muhammad Qasim Siddiqi and was published in 1983 in Delhi. The title of the translation bares a subtitle of "Tuzuki Baburi" and consists of 66 pages. The third abridged translation was done from Persian by Rashid Akhtar Nadavi (1918–1992), which was published in 1991 in Lahore, Pakistan. The translation is titled "Tuzuki Baburi" and consists of 287 pages. The fourth translation was made by Indian professor Yunus Jafari (1930–2016). This translation is based on the Persian translation done by Abdurahim Khani Khanan and was published in England in 2007. This translation bares the title of "Vaqayi Babur" and consists of 396 pages. The foreword and comments were written by Hasan Beg.

"Baburnama" contains very valuable information on local lore. In this work, Zahiriddin Muhammad Babur described in detail the regions and cities in Mavarannahr, Afghanistan and India. In particular, the description of India greatly depicts the geographical location of this country, its surrounding regions, mountains, climate, as well as fauna and flora. The article examines the Urdu translation of "Baburnama" done by Mirza Nasir al-din Haydar Kuragani.

Keywords: *"Baburnama", Urdu translations, originality, commentary, preface, manuscript, description, image, comparative analysis.*